



20 20у « 29» июнь

№ Қ-290

« ___ » 20__ г.

**Бандихон тумани “Бектепа” маҳалласи
худудидан “KAMRON JAFARBEK”
МЧЖга “Иссиқхона” қуриш учун ер
майдони ажратиш тўғрисида**

Ўзбекистон Республикаси Ер кодексининг 5-моддасига ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикаси боғдорчилик ва иссиқхона хўжалигини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 2019 йил 20 мартдаги 4246-сон қарорига мувофиқ, вилоят ҳокимлиги ҳузуридаги ер участкалари бериш (реализация қилиш) масалаларини кўриб чиқувчи комиссиянинг 2020 йил 18 июндаги 05-02/348-сон йиғилиш баёни ва Бандихон тумани ҳокимининг 2020 йил 20 майдаги 01-05/130-сон хатини кўриб чиқиб,

Қ А Р О Р Қ И Л А М А Н:

1. Вилоят ҳокимлиги ҳузуридаги ер участкалари бериш (реализация қилиш) масалаларини кўриб чиқувчи комиссиянинг 2020 йил 18 июндаги 05-02/348-сон йиғилиш баёни тасдиқлансин.

2. Бандихон тумани “Бектепа” маҳалласи худудидан “KAMRON JAFARBEK” МЧЖга туман ҳокимлиги захира ер фондидан қишлоқ хўжалик харитасининг 340қ-дала контуридаги тупроқ унумдорлиги 49,9 балл бўлган 1,0 гектар суғориладиган экин ер майдони лимон етиштириш мақсадида “Иссиқхона” қуриш учун доимий эгалик қилиш ҳуқуқи билан ажратилсин.

3. “KAMRON JAFARBEK” МЧЖ бошлиғи Х.Алмардановга: ажратилган ер майдонидан фақат иссиқхона ташкил этиш учун фойдаланиши;

етиштирган маҳсулотларни экспорт қилиши:

мақсадсиз фойдаланганда ажратилган ер майдони туман ҳокимлиги захирасига қайтариб олиниши кўрсатиб ўтилсин.

4. Вилоят ер ресурслари ва давлат кадастри бошқармаси (А.Ғаниев) ва Бандихон тумани ҳокимлиги (Ў.Чориев) ер майдони ажратилиши муносабати билан туман ер ҳисоботида тегишли ўзгартириш киритишни таъминласин.

5. Мазкур қарор бир кун муддатда вилоят ҳокимлигининг расмий веб-сайтида (surxondaryo.uz) эълон қилинсин.

6. Ушбу қарорнинг бажарилишини назорат қилиш вилоят ҳокимининг ўринбосарлари Х.Саматов ва А.Орипов зиммасига юклансин.

Вилоят ҳокими



Т.Боболов